



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI
QO'QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
YOZUVCHILAR UYUSHMASI

O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGINING DOLZARB MASALALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

Respublika onlayn ilmiy-nazariy anjuman materiallari to'plami

Akademik
Aziz Qayumov
tavalludining 95 va
professor Laziz Qayumov
tavalludining 90 yilligiga
bag'ishlanadi

2020-yil
6-7-noyabr

**O‘zbekiston Respublikasi Yozuvchilar uyushmasi
O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rtalik maxsus ta’lim vazirligi
Muqimiy nomidagi Qo‘qon davlat pedagogika instituti
Farg‘ona viloyati yozuvchilar uyushmasi
Qo‘qon shahar hokimligi**

**Akademik Aziz Qayumov tavalludining 95 va professor Laziz Qayumov
tavalludining 90 yilligiga bag‘ishlangan „O‘zbek adabiyotshunosligining dolzarb
masalalari: muammo va yechimlar“ mavzusidagi Respublika onlayn ilmiy-nazariy
anjumani materiallari**

2020-yil 6-7-noyabr

Mas’ul muharrir: M.Atadjanov, Qo‘qon DPI rektori

Tahrir hay’ati:

E.Siddiqova , O‘zbekiston xalq shoirasi, senator.

**N.Jabborov, A.Navoiy nomidagi O‘zbek tili va adabiyoti universiteti professori,
filologiya fanlari doktori.**

J.Eshonqul, A.Navoiy nomidagi adabiyot muzeyi direktori.

Z.Qobilova, Qo‘qon DPI O‘zbek tili va adabiyoti fakulteti dekani

D.Zohidova, Qo‘qon DPI o‘zbek adabiyoti kafedrasи mudiri, f.f.n., dotsent

B.Abdurahmonova, Qo‘qon DPI dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi

S.Usmonova, Qo‘qon DPI katta o‘qituvchisi

Taqrizchilar:

S.Mirzayeva, ADU professori, filologiya fanlari doktori.

A.Turdaliyev, filologiya fanlari nomzodi.

Nashrga tayyorlovchi:

D.Asqarov, o‘zbek tili va adabiyoti magistranti

**Ushbu to‘plam Qo‘qon davlat pedagogika instituti ilmiy Kengashining
2020-yil 30-oktabrdagi 3-sonli qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.**

**Eslatma: To‘plamga kiritilgan maqolalar shakli va mazmuniga shaxsan
mualliflarning o‘zlari javobgardirlar**

Бу орқали ифодаланаётган фикр ва мулоҳазалар тасдиғида халқимизнинг узоқ йиллар давомида тажрибасида синовдан ўтган мақоллар жуда қўл келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. –Т.: Хазина, 1996.
2. Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. Б. 135.
3. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. –Т.: Шарқ, 2020.
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Зарқалам, 2006. – 128 б.
5. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қоғия. –Т.: Шарқ, 1998.
6. Sayyodiy. Tohir va Zuhro. Toshkent, Mumtoz so‘z, 2019. B. 80, 159,80, 107, 184.

НАСИМИЙ ВА ЮСУФ САРЁМИЙ

Амонова Зилола Қодировна,
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.

Имомиддин Насимий – Шарқ мумтоз адабиётида чуқур из қолдирган забардаст ижодкор. Унинг ғазал, маснавий-у, мухаммаслари бир қанча шоирлар ижодига салмоқли таъсир кўрсатган. Мазкур адабий таъсир Насимий яшаган даврдан бошлаб, то ҳозирги замонавий шеъриятимизга қадар сезилади.

Маълумки, Насимий тасаввуф тариқатлари орасидан ҳуруфийликка эътиқод қилган. Ҳуруфийлик таълимотидараб алифбосидаги ҳарфларнинг ботиний маъноларига эътибор қаратилган. Шу йўл билан дунё сир-асорларини мазкур ҳарфлар воситасида англаш ва тарғиб қилишга кенг ўрин берилган. Ушбу тариқатнинг асосчиси Фазлуллоҳ Наимийдир. Имомиддин мазкур сулук сирларини устозидан ўрганиб, унинг тахаллусига мос Насимий деб ўзига тахаллус танлаган. Ҳуруфийлар фикрича, дунё Оллоҳ зотининг тажаллисиdir, бу инсон юзида ҳам акс этади. Шунингдек, инсон юзи энг мукаммал Қуръондир. Қуръони Каримда Оллоҳ таоло жами махлуқот олами ҳақида, ўз сифатлари, сир-асорлари тўғрисида сўзлаган. Демак, ҳуруфийлар наздида Оллоҳ сирларини акс эттирувчи Мусҳафи Шариф, бу – инсон юзи. Шунинг учун Насимий ижодида турли мавзулар қатори, инсонни улуғлаш, уни кўкларга кўтариш, хатто илоҳийлаштириш билан боғлиқ масалалар жуда кўп қаламга олинган:

Сурәтин мұсһәфдир, еј чан парчеси,
Чана гар етди фәрагин ѡарәси,
Лутфу ҳусн ол мұсһәфин сепарәси,
Гандадыр вәслин дәвасы, чарәси?¹

Таржимаси:
Суратинг мусҳафдир, эй жон парчаси,
Жонга гар етди фироқнинг яраси,
Лутфу ҳусн бўл мусҳафнинг сепораси,
Кайдадир васлнинг давоси, чораси

(таржима муаллифники - З. Амонова)

¹Нәсими Имадәддин. Сечилмиш эсэрләри. - Бакы, 1973. – 609 сəh

Мазкур шеърда ҳам Насимий инсон юзи мусҳаф – Қуръон дейиш орқали, инсоннинг барча яратиқлар орасида энг мукаммали эканлигига ишора қиласи. Шунингдек, нидо санъати асосида “эй жон парчаси” деб инсонга мурожаат қилмоқда. Чунки одамга берилган жон – рух бу Мутлақ рух (Оллоҳ)дан бир жузв (бўлак)дир. Насимий Мутлақ рухдан, яъни жондан айрилган (инсонга берилган) жонга фироқ яраси тушди – у аслидан айрилди, дейди. Оллоҳ инсонга рух – жон ато этиш билан бирга унга ҳусн ҳам берди. Ана шу лутфу ҳусн мусҳафнинг сипораси, яъни 30 қисми ҳам инсон юзида акс этганлигига ишора қилинган.

Маълумки, Қуръони Карим 30 порадан – қисмдан ташкил топган. Шоир шунга ишора қилиб, инсоннинг юзи 30 порани акс эттирадики, шунинг учун умукаммал мусҳафdir, -дейди. Инсон доим ўз асли (Оллоҳ)га талпинади. Тасаввуф тариқатларининг барчасида зикр этилган илоҳий ишқ ана шу жиҳатдан юзага келган. Насимий ҳам “Қайдадир васлнинг давоси, чораси”, дейиш билан илоҳий ишқдан ўртангандан ошиқ изтиробларини ўтли сатрларида қаламга олади. Бу каби инсонни улуғловчи ғоялар бир қатор ўзбек мумтоз шоирларини ҳам илҳомлантирган. Ана шундай ижодкорлардан бири Юсуф Сарёмийдир. У XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб фаолият кўрсатган забардаст шоирларимиздан бўлиб, ҳижрий 1262 мелодий 1845/46 йилда Сайрамда туғилган. Дастрлабки таҳсилни отаси Мулла Абдушукурдан олиб, кейин Тошкент, Бухоро мадрасаларида ўқиганлиги манбаларда қайд этилади¹. Шоир ижодида ҳажвий характердаги шеърлар ҳам бор. Аммо девонида тасаввуф таълимоти таъсири асосида яратилган шеърлар салмоқли ўринни эгаллайди. Айниқса, хуруфийлик тариқатининг йирик вакилларидан бири Имомиддин Насимий ғояларидан таъсирланган мисралар талайгина:

Юз мусҳафида холу хатинг ҳусунг(г)а оят
Махбуби ҳама хўблуғунг беҳадду ғоят².

Мазкур байт Насимийнинг юқорида таҳлилга тортилган сатрлари билан ҳамоҳангдир. Сарёмий ҳам инсон юзини таърифлар экан, юз бу – мусҳаф, юздаги хат ва хол мусҳафдаги оятлардир, дейди. Иккинчи мисрадаинсоннинг юксак мақом эгаси сифатида эътироф этиш ғояси ҳам Насимий фикрларига жуда яқин. Ҳар иккала ижодкор мисраларидаги гоянинг асоси эса Қуръони Каримдир. Оллоҳ таолло ҳам инсонни азиз ва мукаррам қилиб яратганлигини илоҳий китобнинг “Ал-Исро”сурасининг 70–оятида “Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик...” дея зикр этилади. Шу боис Сарёмий инсонда маҳбублик (севимлилик), “ҳама хўблуғлув” - ҳамма яхшиликлар ғоят беҳаддур,- дейди. Айни мулоҳазаларни шоирнинг яна қуидаги байтида ҳам кўриш мумкин:

Эй кўнгул, бу сунъ килкидин хати мушкин рақам,
Мусҳафи рухсорида бир ояти субҳонидур³.

Сарёмий мазкур байтда нидо санъатидан ўринли фойдаланиб, ўз фикрини кўнгилга мурожаат билан бошлайди. Яъни Оллоҳ сунъ килкидин (яратиш қалами, Оллоҳнинг қудрати) мусҳафи рухсорда “бир ояти субҳони”ни ракам(ёзув, битиш)

¹Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар. Тошкент. Маънавият. 2002й. 5-бет.

² Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар. Тошкент. Маънавият. 2002й. 34-бет.

³ Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар. Тошкент. Маънавият. 2002й. 54-бет.

қилди. Демак, инсон рухсори – мусҳаф, ундағи мушкин хатлар – ояты субҳони, яъни Оллоҳнинг оятларидир.

Сарёмий яна бир байтида оразинг мусҳаф, ундағи “нозики анбарбор (анбар иси, хушбўйлик сепувчи, тим қора, муаттар) хат”, ҳам ҳуснингга ҳусн қўшмоқда, ҳам у ояти мубин, яъни очик, равшан оятдир дейди:

Оразинг бир мусҳафи нозики анбарбор хат,
Бас камоли ҳуснингга келди, чу ояти мубин¹.

Юсуф Сарёмий ижодидаги Насимий билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида фикр юритиб, Мансур Ҳаллож билан боғлиқ мулоҳазаларни , албатта, қайд этиш жоиз. Чунки Ҳаллож ўзининг “Девон”ида, “Абҳарул Ҳаллож” қаби асарларида араб ҳарфлари ва улар билан боғлиқ ботиний маънолар ҳақида фикр юритади. Унинг маслаги ғоявий жиҳатдан ҳуруфийларга анча яқин эди. Шунинг учун ҳуруфийлик тариқатининг асосчиси Фазлуллоҳ Наимий ва Насимий Ҳалложга том бир ихлос билан қараган ва унинг ғояларини асарларида куйлаганлар:

Мансура ишқ оқибати дор ўлди тор,
Сан онда келки, то кўрасан онда дорими².

Насимий мазкур байтда Ҳалложнинг қисматига ишора қиласи. Яъни ишқ уни дорга бошлади. Маълумки, тасаввуфда Оллоҳни англаш ва унга этишишнинг икки йўли мавжуд: “Жазба” ва “Сулук”. Жазба ўз ихтиёрини қўлдан берган Оллоҳ ошиқларнинг йўлидир. Улар жисмонан моддий оламда юрса ҳам, фикран гайб оламида сайд қиласи. Оллоҳга талпиниб яшайди³. Ҳаллож ана шу йўлга мансуб сўфийлардан эди. Шунинг учун унинг қисмати, ишқининг оқибати дор бўлди. Насимий байтнинг иккинчи мисрасида “Сан онда келки, то кўрасан онда дорими”, дейиш билан ўзининг Ҳаллож маслагига нечоғлиқ яқинлигига ишора қиласи.

Юсуф Сарёмий ҳам “Ишқ” радифли ғазалида “ишқ асрори” ҳақида мулоҳаза юритиб, бевосита Мансур Ҳаллож ва унинг “анал ҳақ” ғоясини тилга олади:

Чун “аналҳақ” барқи сўзониға жонин қуидуруб
Гўй айлаб бошини Мансур осилғон дори ишқ⁴.

Сарёмий “аналҳақ”ни “барқи сўзон” (куйдирувчи яшин, чақмоқ) деб атайди. Мансур Ҳаллож ана шу “барқи сўзон” га жонини куйдириб, бошини дорга қўйди, дейди.

Юсуф Сарёмий яна бир “Қилмағил” рафиидли ғазалида дилга мурожаат қилиб шундай дейди:

Мансурдек йўлунгда “аналҳақ” дегузмайин,
Ошиқларинг ерини саридор қилмағил⁵.

Мазкур байтда ҳам Мансур Ҳаллож ва унинг “аналҳақ” ғояси ҳақида фикр юритилган. Шоир ишққа мубтало бўлган дилни Мансурдек “аналҳақ” демасликка ундейди. Чунки жазба йўлидаги ошиқлар ўз ихтиёрларини қўлдан берадилар ва ўзларини Оллоҳ вужудига дахлдор эканликларини англайдилар. Уларнинг бу

¹ Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар. Тошкент. Маънавият. 2002й. 91-бет.

² Насимий И. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 61 бет.

³ Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2011. – 8 бет.

⁴ Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар. Тошкент. Маънавият. 2002й. 74-бет.

⁵ Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар. Тошкент. Маънавият. 2002й. 81-бет.

ғоялари шариат аҳли томонидан қатъий қораланган. Буни Ҳалложнинг қисмати орқали ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун Сарёмий “Ошиқларинг ерини саридор қилмағил”, дейди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, туркий ва форсийда қалам тебратган зуллисонайн шоир Имомиддин Насимий ижоди бир қанча ўзбек мумтоз шоирларга ўз таъсирини ўтказган. Ушбу таъсир бир қанча вақт давом этган. Кўриб ўтганимиздек, Юсуф Сарёмий ижоди ҳам мазкур таъсирдан холи эмас. Насимийнинг турфа мавзулари(асарларида илгари сурилган), инсонни улуғлаш, унинг юзини мусҳаф (Куръон) билан тенглаштириш, Мансур Ҳаллож ва унинг “анал ҳак”идан таъсиrlаниш каби ғоялари Юсуф Сарёмийни ҳам бефарқ қолдирмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нәсими Имадәддин. Сечилмиш эсәрләри. - Бакы, 1973. – 609 сәх
2. Насимий И. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.– 230 бет.
3. Сарёмий Юсуф. Танланган асарлар. Тошкент. Маънавият. 2002й. 165-бет.
Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди наш

ЖИНС” КОНЦЕПТИ БИЛАН АССОЦИАТИВ БОГЛАНГАН МОРФОЛОГИК ВОСИТАЛАР

Умиджон Йигиталиев, *PhD*

Ўзбек тилида “жинс” концептининг морфологик бирликлар орқали воқеланиши кенг тарқалмаган. Фақат эркалаш каби субъектив баҳо шаклларининг айримларида учрайди. Чунончи, «эркалаш» белгиси орқали субъектив баҳо шаклларидан айримлари фақат кишиларга атаб қўйилган номларга, қавм-қариндошликни билдрувчи сўзларга қўшилади ва бу грамматик шакллар, асосан, эркаклар исмига; *-бой*, *-бек*, *-шо*, *-мирза*, *-қул* кабилар фақат эркаклар исмига; *-ой*, *-гул*, *-бону*, *-бека*, *-беби*, *-нисо*, *-ниса*, *-бодоқ*, *-чирой* кабилар хотин-қизлар исмига қўшилади. Келтирилган ҳар иккала ҳолатда сўз кўринишидаги грамматик шаклларнинг баъзилари ўзаро ички синонимик қатор ташкил этади: *Матлабхон* // *жон* // *ой* // *нисо*; *Эргашжон* // *бой* // *бек* // *қул* каби.

Айрим эркалаш оттенкали шакллар нутқда кам қўлланмоқда (-қул, -нисо, -бека, -бону). Шу билан бир қаторда ўзбек тилида, айниқса, марказий шаҳарларда ёшлар нутқида баъзан русча эркалаш шакллари ҳам учрайди: *Назарчик* (Назар), *Лолячка* (Лола), *Адик* (Адиба) каби.

-жон шакли сўзга қўшилиш ўрни қатъий эмас. У нейтрал сўз охирига, олдига ёки ҳар икки томонга қўшилиб келиши мумкин: *Гулноржон*, *жон Гулнор*, *жон Гулноржон*. Бундай қўллаш сўзловчининг (*одамнинг* – У.Й.) ҳис-ҳаяжони, нутқининг функционал услубига боғлиқ.

Субъектив баҳо шакллари ифодалаган коннотатив маънолар ўзи бирикиб келган негизлар англатган лексик маънога уйғун бўлиши керак. Акс ҳолда, стилистик нуқсон вужудга келади. Жумладан, «кичик» сўзи семантикасида белги миқдори камлиги англашилади. Шунинг учун ҳам унга кичрайтиш маъноли -ча

10.	Muzaffar Mamatqulov , GulDU, filologiya fanlari nomzodi, dotsent. Sayyodiyning “Tohir va Zuhro” dostonida irsol ul-masal san’ati.	127
11.	Amonova Zilola Qodirovna , BuxDU o’zbek adabiyoti kafedrasi dosenti. Nasimi va Yusuf Saryomiy	129
12.	Umidjon Yigitaliyev , QDPI, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD). “Jins” konsepti bilan assosiativ bog‘langan morfologik vositalar.	132
13.	Muhammadrizo Djurayev . QDPI, o‘qituvchi. Binar tipologiya (Yormuhammad Yoriy va A’zam O’ktamning bittadan she’ri qiyosi).	135
14.	Muqaddasxon Saidakbarova, Musharraf Imomaliyeva , QDPI, o‘qituvchi. Aziz Qayumov – mohir muarrix.	139
15.	Munojat Mamajonova , QDPI, katta o‘qituvchi. Mustaqil so‘z turkumlarida miqdorning ifodalananishi.	141
16.	Marhabo Meliboyeva , QDPI, o‘qituvchi. O‘zbek adabiyotida chiston janri (Uvaysiy ijodi misolida).	143
17.	Gulbahor Bektasheva , ADU, o‘qituvchi. “Birinchi nishon” yoxud Buxorolik jadid qismati.	146
18.	Ramziya Jo‘rayeva , Qo‘qon DPI, o‘qituvchi. Muqimiy ijodida frazeologizmlarning qo‘llanilishi.	154
19.	Munavvar Hojiyeva , QDPI, o‘qituvchi. Haziniy she’riyati badiiy xususiyatlari.	156
20.	Gulchehra Murodova , BuxDU, magistrant. “Hayrat ul abror” nashrlaridagi munojotlarning qiyosiy tahlili.	159
21.	Sherxon Qorayev , TDO‘TAU, mustaqil tadqiqotchi. Adabiyotshunos Aziz Qayumov asarlarida Sulton Husayn Boyqaro bazmlari.	161
22.	Lochinbek Ahmadaliyev , QDPI, magistrant. “Qutadg‘u bilig”dagi arabiy so‘zlarning badiiy ifodasi.	165
23.	Dilmurodjon Asqarov , QDPI, magistrant. Amiriy muxammaslarida talmeh san’ati	167
24.	Oybek Normurodov , GulDU, magistrant. Sayyid Qosimiy g‘azallarida badiiy san’atlar.	169
25.	Jambilov Mansur , BuxDU, magistrant. “Arba’in”dan o‘rin olgan ba’zi hadislar talqini va ularning asl manbalari.	172
26.	Madina Burhonova , QDPI, magistrant. “Shoh edi rind ahlig‘a...” (Alisher Navoiy ijodida Sayyid Hasan Ardashер vasfi)	175
27.	Munisa Yo‘ldosheva , QDPI, talaba. Navoiyni anglash muhabbati.	177
28.	Muzayyana Sobirova , QDPI, talaba. Badiiy adabiyotda navro‘z mavzusi.	179

3-sho‘ba

“O‘zbek adabiyotini adabiy ta‘lim bosqichlarida o‘rgatishning nazariy va uslubiy jihatlari”

1.	Qunduzxon Husanboyeva , GulDU, pedagogika fanlari doktori, professor. Badiiy asar bilan tanishish mashg‘ulotlarini tashkil etish xususiyatlari.	183
-----------	--	------------